

8-15-2018

Some comments on government activity of Shohruh Mirza

L. BEGIMKULOVA

Fergana state university, Ferghana, str, Murabbiylar 19, fdujournal@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

BEGIMKULOVA, L. (2018) "Some comments on government activity of Shohruh Mirza," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 1 , Article 19.

DOI: 93/99

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol1/iss3/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 93/99

**ШОҲРУҲ МИРЗОНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР
НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ШОХРУХА МИРЗО
SOME COMMENTS ON GOVERNMENT ACTIVITY OF SHOKHRUH MIRZA**

Л.Бегимкулова

Аннотация

Мақолада академик В.В. Бартольднинг Шоҳруҳ мирзонинг давлатчилик фаолияти хусусидаги айрим мулоҳазалари тарихий манбалар асосида тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье автор на основе исторических источников анализирует некоторые размышления академика В.В.Бартольда о государственной деятельности Шохруха мирзо.

Annotation

In the article the author based on historical sources analyzes some reflections of Academician V.V.Bartold about the state activity of Shokhrukh Mirzo.

Таянч сўз ва иборалар: *Амир Темур, Шоҳруҳ мирзо, суюрғол, қурултой, Хуросон, Ҳиндистон, Хитой, хожа, Ҳирот, Саброн, Ашпара.*

Ключевые слова и выражения: *Амир Темур, Шохрух мирзо, сургал, курултай, Хорасан, Индия, Китай, ходжа, Герат, Саброн, Ашпара.*

Keywords and expressions: *Amir Temur, Shokhrukh mirzo, suyurghal, kurultay, Khorasan, India, China, khodja, Herat, Sabron, Ashpara.*

Амир Темур вафотидан кейин темурийлар салтанатида бошланиб кетган ўзаро урушларда ғолиб чиқиб, марказлашган давлатни қайта тиклашга эришган Шоҳруҳ мирзонинг давлатчилик фаолияти хусусида тарихшуносликда турлича фикрлар билдирилган. Уларнинг баъзиларида Шоҳруҳ мирзо темурийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётига катта ҳисса қўшган йирик давлат арбоби сифатида баҳоланса, бошқаларида эса катта хотини Гавҳаршодбегим ва йирик амирлар ҳамда диний уламоларнинг таъсиридан чиқа олмаган ҳукмдор сиймосида гавдаланади. Юқоридаги фикрларнинг шаклланишида йирик шарқшунос олим, академик В.В. Бартольд томонидан билдирилган хулосалар ҳам муҳим роль ўйнаган.

В.В. Бартольд Амир Темур тўртинчи ўғли Шоҳруҳ мирзога ўз набираларичалик катта умид билдирмаганлигини таъкидлайди. Муаллиф Шоҳруҳ мирзонинг 1397 йилдан фақат Хуросон ҳокими сифатида фаолият олиб борганлиги, 1404 йили Самарқандда бўлиб ўтган қурултойга чақирилмаганлиги, 1404 йили Хуросоннинг йирик хожаларининг Ашпара ва Саброн шаҳарларига кўчирилиши масалаларига ҳам эътибор қаратади [1.58].

1397 йили Хуросон ҳокими этиб тайинланган Шоҳруҳ мирзо Амир Темур

томонидан 1398 йили бўлиб ўтган Ҳиндистон юришининг дастлабки жангларида қатнашган. Лекин шаҳзода кўп ўтмай Хуросонга жўнатиб юборилган. Шарафуддин Али Яздий ушбу воқеа баёнида Шоҳруҳ мирзони “салтанат ва подшоҳлик кўзининг қорачиғи эрди” сўзлари билан таърифласа-да, Ҳиндистон юришидан Ҳиротга қайтарилганлиги сабаби ҳақида сўз юритмайди [2.194]. Шоҳруҳ мирзонинг қолдирилиши Хуросондаги бизга маълум бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки Низомиддин Шомий Ҳиндистон юриши вақтида Шоҳруҳ мирзонинг Ҳарий Малик исмли ишончли кишиси келиб, шаҳзоданинг саломатлиги ҳақида хабар етказганлигини ҳикоя қилади [3.237]. Ҳарий Малик фақат Шоҳруҳ мирзонинг саломатлиги ҳақида эмас, балки Хуросондаги вазият ҳақида ҳам муҳим маълумотларни келтирганлиги табиий. Бизнингча, Шоҳруҳ мирзонинг Ҳиндистон юришига олиб кетилмаганлиги ўша вақтдаги сиёсий вазиятнинг унинг Хуросонда қолишини талаб қилганлиги билан боғлиқ. Кейинчалик Шоҳруҳ мирзо 1399-1404 йиллари бўлиб ўтган “етти йиллик юриш”да тўлиқ қатнашган ва 1404 йили Хиротга қайтиб келган.

Шоҳруҳ мирзонинг 1404 йили Самарқандда бўлиб ўтган қурултойга чақирилмаганлиги, шунингдек, 1404 йилнинг охирида бошланган Хитой юришига жалб этилмаганлиги ҳам ўша даврдаги сиёсий вазият билан боғлиқ эди.

Л.Бегимкулова – ФарДУ мустақил тадқиқотчиси.

Шарафуддин Али Яздий бу ҳақида қуйидагиларни баён қилади: “Чингизхон наслидин Тайзи Ўғлон ва Тош Темур Ўғлон арз қилдиларким, “Қурултой қилурсиз. Амирзода Шоҳруҳ Хуросондин ва амирзода Пирмуҳаммад Ғазниндин келсунлар!”

”Соҳибқирон деди: Пир Муҳаммад келсун. Аммо Шоҳруҳқа маслаҳат йўқтурурким, бери келгай. Анинг учунким, Ироқ ва Озарбайжонда ўлтурғонларнинг орқалари анинг била қавий турур” [2.290.].

Чиндан ҳам гарчи “етти йиллик юриш”да йирик ғалабаларга эришилиб, Миср ва Усмонли турклар давлатлари тор-мор келтирилган бўлса ҳам Амир Темур давлатининг ғарбий ҳудудларида тўла хавфсизликка эришилмаган эди. Биринчидан, Амир Темурнинг ашаддий рақиблари Султон Аҳмад жалойир ва Қора Юсуфлар ҳаёт бўлиб, қулай вазият келишини кутиб яширинган эдилар. Иккинчидан, Амир Темур давлатининг ғарбий ҳудудлари Мироншоҳ мирзо ва Умаршайх мирзонинг фарзандларига улус сифатида берилган бўлиб, улар катта тажрибага эга эмасдилар. Учинчидан, темурийлар давлати таркибига киритилган ғарбий ҳудудларнинг, ҳаттоки Хуросоннинг ҳам баъзи вилоятларида Амир Темурга садоқат билдириб ўз ҳокимиятини сақлаб қолган ҳукмдорлар бор эди. Бу ҳукмдорларга Амир Темур тўлиқ ишона олмасди. Уларнинг садоқатини вақтинчалик эканлиги Амир Темур вафотидан кейин яққол кўзга ташланган. Шоҳруҳ мирзо ҳам Амир Темур вафотидан кейинги дастлабки йилларда асосан уларга қарши кураш олиб борганлиги ҳам маълум [4. 65, 95]. Тўртинчидан эса Амир Темур фармонида кўра, Хуросондан кўплаб хожаларнинг Мовароуннаҳрнинг шимолига

кўчирилиши [5.124-125] ҳам бу ердаги сиёсий вазиятнинг барқарор бўлмаганлигидан далолат беради. Бундай шароитда Хуросоннинг қайтиб келганига эндигина уч ой бўлган Шоҳруҳ мирзосиз қолдирилиши Амир Темур учун маъқул кўринмаган. Амир Темур Шоҳруҳ мирзонинг Хуросонда туришини ўз давлатининг ғарбий ҳудудларидаги тинчликнинг муҳим шarti, деб билган.

Шунингдек, Хуросон хожаларнинг кўчирилиши масаласига Шоҳруҳ мирзонинг муносабати масаласини тўлиқ ўрганилган эмас. Афсуски, манбаларда бу ҳақида сўз юритилмайди. Шоҳруҳ мирзонинг диний уламолар билан жуда яқин бўлганлигига ҳам эътибор қаратиш зарур. Шоҳруҳ мирзонинг дин пешволари билан жуда яқин алоқалари ҳақида В.В. Бартольд ҳам бир неча бор тўхталиб ўтган [1. 58, 83.].

Шоҳруҳ мирзонинг Амир Темур ҳаётлиги вақтидаги фаолиятининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у 1397 йили Хуросон ҳокими этиб тайинланганидан сўнг фақатгина ғарб томон уюштирилган ҳарбий юришларда иштирок этган. Амир Темур ғарбий ҳудудларда бўлган вақтда Шоҳруҳ мирзонинг Хуросонда қолишига ҳожат бўлмаган. Чунки Мовароуннаҳрда қолдирилган ҳарбий кучлар шарқий ҳудудлар хавфсизлигини тўла таъминлай олишган. Жўчи улуси, Мўғулистон ва Ҳиндистоннинг Амир Темур юришлари натижасида тўла тор-мор келтирилиши бунга имкон яратган. Шарқ томон амалга оширилган юришларда, жумладан Ҳиндистон ва Хитой юришларига эса Шоҳруҳ мирзо жалб этилмаган. Бу ҳам ғарбий ҳудудлардаги тинчликни таъминлаш масаласида Шоҳруҳ мирзонинг муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади.

References:

1. Bartolid V.V. Sochineniya.- T.2. -CH.2. – M., 1964.
2. SHarafuddin Ali Yazdiy. Zafarnoma // So'z boshi, tadbil, izohlar va ko'rsatkichlar mualliflari: Ashraf Ahmad, Haydarbek Bobobekov. – T.: SHarq.1997.
3. Nizomiddin SHomiy. Zafarnoma / Fors tilidan o'g'iruvchi – Yu. Hakimjonov, tarjimani qayta ishlab nashrga tayyorlovchi va mas'ul muharrir – A. O'rinboev, izohlar va lug'atlarni tuzuvchi – H. Karomatov (jug'rofiy nomlar izohi – O. Bo'rievniki), Hofizi Abruning «Zafarnoma»ga yozgan «Zayl»i («Ilova»)ni forsiydan o'g'iruvchi va izohlarini tuzuvchi – O. Bo'riev – T.: O'zbekiston, 1996.
4. Abdurazzoq Samarqandiy. Matla' us-sa'dayn va majma' ul-bahrayn / Fors – tojik tilidan tarjima, kirish so'z va izohli lug'atlar tarix fanlar nomzodi A. O'rinboevniki. –T.: Fan, 1969.
5. Fasix Xavafi. Mudjal-i Fasixi / Per. predis. primech. i ukazateli D. Yu. Yusupovoy. – T.: Fan, 1980.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).